



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФОНД БОЗОРИДАГИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

*Убайдуллаев Дилшод Зубайтович*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*ORCID: 0009-0005-5731-6895*

*[dzubaydullayev@gmail.com](mailto:dzubaydullayev@gmail.com)*

**Аннотация.** Мақолада “Тижорат банкларининг фонд бозоридаги инвестицион фаолияти бўйича хориж тажрибалари” тушунчасини мазмуни ва аҳамияти, хорижий мамлакатларнинг фонд бозоридаги ўзгаришлари, АҚШдаги тижорат банклари қимматли қоғозлари ҳажмининг ўзгариши, Германиядаги тижорат банклари қимматли қоғозлари ҳажмининг ўзгариши, тижорат банкларининг фонд бозоридаги инвестиция фаоллигини оширишнинг иқтисодий моҳияти, фонд бозорида тижорат банкларининг вазифалари, фонд бозорининг иқтисодётдаги бошқа бозорлари билан ўзаро алоқадорлиги, тижорат банкларининг фонд бозоридаги инвестиция фаолиятининг асосий жиҳатларини таҳлили амалга оширилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банклари, ғазначилик қимматли қоғозлари, инвестиция, хориж тажрибаси, фонд бозори, қимматли қоғозлар, капитал бозори, молиявий ресурслар, иқтисодий ўсиш, пул-кредит сиёсати, молиявий брокерлик, портфел инвестиция.

## ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ НА ФОНДОВОМ РЫНКЕ

*Убайдуллаев Дилшод Зубайтович*

*Ташкентский государственный экономический университет*

**Аннотация.** В статье рассмотрен смысл и значение понятия «зарубежный опыт инвестиционной деятельности коммерческих банков на фондовом рынке», изменения на фондовом рынке зарубежных стран, изменения объема ценных бумаг коммерческих банков США, изменения в объеме ценных бумаг коммерческих банков Германии, экономическая сущность повышения инвестиционной активности коммерческих банков на фондовом рынке, фонд задач коммерческих банков на рынке, фондовом рынке и других рынках в экономике проведен анализ основных аспектов инвестиционной деятельности коммерческих банков на фондовом рынке.

**Ключевые слова:** коммерческие банки, казначейские ценные бумаги, инвестиции, зарубежный опыт, фондовый рынок, ценные бумаги, рынок капитала, финансовые ресурсы, экономический рост, денежно-кредитная политика, финансовое брокерство, портфельные инвестиции.

## FOREIGN EXPERIENCE OF INVESTMENT ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS IN THE STOCK MARKET

*Ubaydullayev Dilshod Zubaytovich*  
*Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** *The article examines the meaning and significance of the concept of "foreign experience of investment activities of commercial banks in the stock market", changes in the stock market of foreign countries, changes in the volume of securities of commercial banks in the USA, changes in the volume of securities of commercial banks in Germany, the economic essence of increasing the investment activity of commercial banks in the stock market, the fund of tasks of commercial banks in the market, the stock market and other markets in the economy, an analysis of the main aspects of investment activities of commercial banks in the stock market.*

**Keywords:** *commercial banks, treasury securities, investments, foreign experience, stock market, securities, capital market, financial resources, economic growth, monetary policy, financial brokerage, portfolio investments.*

### **Кириш.**

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки хорижий давлатлар ҳукуматлари ва банк бошқарувчиларининг доимий диққат-эътиборидаги масалалардан биридир. Аввало, шуни таъкидлашимиз лозимки, мамлакатлар томонидан иқтисодиётни молиялаштиришда банк кредитлари орқали молиялаштириш ҳамда қимматли қоғозлар воситасида молиялаштиришга устуворлик бериш ҳолатлари кузатилади. Мазкур жиҳат асосида жаҳонда молия бозорининг банк ва қимматли қоғозлар бозорига асосланган иккита асосий модели шаклланди.

Лекин бугунги кунга келиб, молия бозоридаги кескин рақобат туфайли молия бозори моделларининг алоҳида хусусиятларининг бир-бирига сингиб кетиши ҳам кузатилмоқда. Бунга мамлакатлар миллий иқтисодиётини ривожлантириш учун ҳар иккала моделдан самарали фойдаланишга интилаётганлиги сабаб бўлмоқда. Натижада тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаоллигига ҳам имконият берилмоқда. Иқтисодий ўзгариш жараёни банк тизимини ислоҳ қилиш билан бошланди. Ушбу соҳа бугунги кунда ҳам жадал ривожланмоқда. Банк тизими мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим ва ажралмас тузилмаларидан биридир. Банklar ва товар-пул муносабатларининг ривожланиши тарихий жиҳатдан параллел ҳамда бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Тижорат банклари замонавий шароитда тадбиркорлик амалиётида маълум бўлган молиявий операциялар ва хизматларнинг аксариятини амалга оширадиган энг қадимги ҳамда энг оммавий кредит ташкилотлари гуруҳидир.

### **Адабиётлар шарҳи**

Ҳозирги вақтга келиб тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаолияти, улар фаоллигини ошириш масаласи миллий халқаро даражада тадқиқотчилар ва иқтисодчиларнинг эътиборидаги масалалардан биридир. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки кўп томонламалиги бунга маълум даражада сабаб бўлмоқда. Яъни банklar бунда қимматли қоғозлар эмиссияси орқали капитал жалб қилиш, қимматли қоғозларга инвестиция киритиш, воситачилик асосида бошқа эмитентлар қимматли қоғозларини жойлаштириш кабилар орқали фонд бозоридаги фаолликни оширишга, молиявий ресурслар ва даромадлар таркибини диверсификациялашга интилмоқда. Шу боисдан ҳам тадқиқотчиларнинг бу борадаги қарашларида умумийлик ва ўзига хос фарқли жиҳатлар кузатилади.

Н.М.Гиблова (2013) фонд бозори, тижорат банклари ва иқтисодиётнинг реал сектори ўртасидаги ўзаро таъсирни тадқиқ қилган. Унда тадқиқотчи иқтисодиётнинг реал сектори – инвестицион ресурслар истеъмолчиси сифатида қимматли қоғозлар

эмитенти, фонд бирламчи бозори – инвестицияларни молиялаштириш мақсадида пул маблағлари тушумини таъминловчи канал, банклар эса қимматли қоғозларни сотиб олувчи инвестор сифатида кўрсатилади. Кўриб турганимиздек, тадқиқотчи асосан тижорат банкларининг инвестор сифатида ролига жиддий эътибор қаратган.

О.И.Лаврушин (2020) бошчилигидаги олимлар гуруҳи томонидан тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари доирасида қимматли қоғозлар бозорида банк фаолияти турлари, банкларнинг ўз қимматли қоғозларини муомалага чиқариши ва жойлаштириши, тижорат банкларининг қимматли қоғозларга инвестицион қўйилмалари, давлат қимматли қоғозларига хизмат кўрсатиш бўйича банк операциялари ва РЕПО битимлари, банкларнинг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси сифатидаги фаолияти кабиларни атрофлича тадқиқ қилинган. Бунда тижорат банкларининг фонд бозоридаги воситачилик фаолияти эътибордан четда қолган.

И.Р.Байбеков (2015) эса тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаолияти орқали облигациялар портфелини шакллантириш масаларига доир тадқиқотлар олиб борган. Бунда асосий эътибор банк даромадларини диверсификациялаш нуқтаи назаридан облигациялар портфелини ҳам диверсификациялашда облигация эмитентларини сифат жиҳатидан баҳолаш методикасига қаратилади.

АҚШдаги тижорат банклари ўз акциялари, облигациялари ва депозит сертификатларини фонд бозорида жойлаштириш орқали капитал жалб қилиши, “қимматли қоғозлар бозорида инвестицион фаолият нуқтаи назаридан асосан федерал, штат ёки маҳаллий облигацияларга маблағ йўналтириши” мумкин (Frederic, 2016). Мазкур жиҳатни 1929-1933 йиллардаги буюк депрессия туфайли тижорат банкларига юқори рискли қимматли қоғозларга инвестиция киритиш билан боғлиқ фаолият тақиқланганлиги билан изоҳлашимиз мумкин. “Банкларга акциялар ёки корпоратив облигациялар каби юқори рискли қимматли қоғозларга эгалик қилиш тақиқланади. Ҳазначилик қимматли қоғозлари эса уларнинг паст рискли ва юқори ликвидлиги туфайли сотиб олинишига ҳеч қандай чекловлар йўқ” (Frederic, 2018). АҚШда тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ молиявий воситачилик фаолиятига ҳам рухсат берилмаган. Юқоридагилардан ҳам кўринадики, банкларнинг фонд бозори бўйича маълум бир чегаралар ҳам ўрнатилиши мумкин.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда халқаро қимматли қоғозлар бозорига эътибор қаратадиган бўлсак, банклар инвестор, эмитент ва молиявий воситачи сифатида фонд бозорининг фаол иштирокчисига айланганлигини кўришимиз мумкин. Халқаро амалиётни ўрганиш, хусусан, фонд бозори ривожланган мамлакат сифатида АҚШ амалиётини ўрганиш банкларнинг фонд бозоридаги роли қанчалик даражада ошиб бораётганини тушунишга ҳамда илғор хориж тажрибаларини ўрганишга ёрдам беради.

1-жадвал

### АҚШдаги тижорат банклари қимматли қоғозлари ҳажмининг ўзгариши, фоизда<sup>92</sup>

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023
Тижорат банкларининг қимматли қоғозлари	10.4	20.7	22.6	23.7	23.9
Ҳазначилик қимматли қоғозлари ва давлат эгалигидаги компаниялар томонидан чиқарилган облигациялар	14.3	22.9	25.0	21.8	24.2
Бошқа турдаги қимматли қоғозлар	-1.8	12.6	13.0	31.4	23.0

<sup>92</sup><https://www.federalreserve.gov/releases/h8/current/> - АҚШ Федерал захиралар тизими расмий веб-сайти маълумотлари

АҚШдаги тижорат банклари қимматли қоғозлари ҳажмининг ўзгаришига эътибор қаратсак, тижорат банкларининг қимматли қоғозлари ҳажми 2019 йилда аввалги йилга нисбатан 7.8 фоизга ошган бўлса, 2023 йилда бу ўзгариш 23.9 фоизни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, 2019-2023 йилларда АҚШда ғазначилик қимматли қоғозлари ва давлат эғалигидаги компаниялар томонидан чиқарилган облигациялар ҳамда бошқа турдаги қимматли қоғозлар ҳажмида ҳам бир қатор ўзгаришлар бўлганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

## 2-жадвал

**АҚШдаги тижорат банклари қимматли қоғозлари таркиби, млрд. АҚШ долларида<sup>93</sup>**

Кўрсаткичлар	2022 Август	2023 Февраль	2023 Март	2023 Апрель	2023 Май	2023 Июнь	2023 Июль	2023 Август
Тижорат банкларининг қимматли қоғозлари ҳажми, шу жумладан:	4369.5	4870.1	4980.2	5077.5	5178.7	5245.7	5289.5	5337.6
1. Ғазначилик қимматли қоғозлари ва давлат эғалигидаги компаниялар томонидан чиқарилган облигациялар ҳажми	3478.1	3917.7	3994.2	4058.6	4140.4	4197.0	4239.8	4280.6
1.1. Ипотека билан таъминланган қимматли қоғозлар ҳажми	2334.1	2644.7	2691.0	2729.9	2779.4	2800.3	2832.7	2864.5
1.2. Ипотека билан таъминланмаган қимматли қоғозлар ҳажми	1144.1	1273.0	1303.2	1328.7	1361.0	1396.7	1407.1	1416.1
2. Бошқа турдаги қимматли қоғозлар ҳажми	891.4	952.4	986.0	1018.9	1038.4	1048.7	1049.7	1057.0
2.1. Ипотека билан таъминланган қимматли қоғозлар ҳажми	83.1	81.6	83.4	83.8	84.4	85.6	87.9	90.1
2.2. Ипотека билан таъминланмаган қимматли қоғозлар ҳажми	808.3	870.7	902.6	935.1	953.9	963.1	961.9	966.9

Жадвал маълумотларини 2022 йил августдан 2023 йил августгача бўлган давр учун таҳлил қиладиган бўлсак, АҚШдаги тижорат банклари қимматли қоғозлари ҳажми 4369.5 млрд. АҚШ долларидадан 5337.6 АҚШ долларига ошган. Хусусан, ғазначилик

<sup>93</sup><https://www.federalreserve.gov/releases/h8/current/> - АҚШ Федерал захиралар тизими расмий веб-сайти маълумотлари

қимматли қоғозлари ва давлат эгалигидаги компаниялар томонидан чиқарилган облигациялар ҳажми 3478.1 млрд. АҚШ долларидадан 4280.6 млрд. АҚШ долларидага, бошқа турдаги қимматли қоғозлар ҳажми эса 891.4 млрд. АҚШ долларидадан 1057.0 млрд. АҚШ долларидага етган.

## 3-жадвал


**АҚШда маҳаллий инвесторлар томонидан ташкил этилган тижорат банкларининг қимматли қоғозлари ҳажми, млрд. АҚШ долларида<sup>94</sup>**

Кўрсаткичлар	2022 Август	2023 Февраль	2023 Март	2023 Апрель	2023 Май	2023 Июнь	2023 Июль	2023 Август
Тижорат банкларининг қимматли қоғозлари ҳажми, шу жумладан:	4100.5	4610.2	4719.7	4831.7	4937.1	5003.3	5051.2	5099.0
1. Ҳазначилик қимматли қоғозлари ва давлат эгалигидаги компаниялар томонидан чиқарилган облигациялар ҳажми	3306.7	3758.9	3832.0	3908.5	3996.3	4054.8	4099.7	4140.8
1.1. Ипотека билан таъминланган қимматли қоғозлар ҳажми	2291.4	2593.3	2639.4	2679.0	2730.6	2753.3	2785.4	2816.1
1.2. Ипотека билан таъминланмаган қимматли қоғозлар ҳажми	1015.3	1165.6	1192.6	1229.5	1265.8	1301.4	1314.3	1324.7
2. Бошқа турдаги қимматли қоғозлар ҳажми	793.8	851.3	887.7	923.2	940.8	948.6	951.5	958.2
2.1. Ипотека билан таъминланган қимматли қоғозлар ҳажми	81.1	79.4	81.2	81.8	82.5	83.6	86.0	88.3
2.2. Ипотека билан таъминланмаган қимматли қоғозлар ҳажми	712.8	771.9	806.4	841.4	858.2	865.0	865.5	870.0

Маҳаллий инвесторлар томонидан ташкил этилган тижорат банклари қимматли қоғозлари ҳажмига эътибор қаратадиган бўлсак, 2022 йил августдаги 4100.5 млрд. АҚШ долларидадан 2023 йил августдаги 5099.0 млрд. АҚШ долларидага ошган.

<sup>94</sup><https://www.federalreserve.gov/releases/h8/current/> - АҚШ Федерал захиралар тизими расмий веб-сайти маълумотлари

“Тижорат банклари АҚШда бизнес ва молия секторининг асосий иштирокчиларидан ҳисобланади. АҚШда тижорат банклари асосан жисмоний шахсларга эмас, балки тадбиркорлик субъектларига кўпроқ хизмат кўрсатади. Банк соҳасидаги даромадлар иқтисодий шароитга қараб кескин ўзгариши мумкин бўлса-да, 2022 йилда тижорат банкларининг йиллик даромади деярли 490 миллиард долларга етиши прогноз қилинган. 2022 йил 21 август ҳолатига кўра АҚШ тижорат банкларининг жами активлари 17.49 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Америкадаги етакчи тижорат банки JP Morgan Chase бўлиб, у 2019 йилда 142 миллиард АҚШ долларида кўпроқ даромад олган”<sup>95</sup>.



**1-расм. Облигациялардан олинган даромад миқдори бўйича дунёнинг етакчи инвестиция банклари<sup>96</sup>**

Расм маълумотларига кўра 2022 йилда дунёнинг етакчи инвестиция банклари орасида облигациялардан олинган даромадлар миқдори бўйича JP Morgan 3045,1 млн. АҚШ доллари билан етакчилик қилган бўлса, ундан кейинги ўринларни BOFA Security Inc (2529,4 млн. АҚШ доллари), Citi (2092,4 млн. АҚШ доллари), Morgan Stanley (1816,1 млн. АҚШ доллари), Goldman Sachs & Co (1735,4 млн. АҚШ доллари) каби инвестиция банклари эгаллаган.

“Бош штаб-квартираси Германиянинг Франкфурт шаҳрида жойлашган Deutsche Bank Германиянинг энг йирик банки ва 2022 йил 31 декабрь ҳолатига кўра 1,325 миллиард евро миқдоридаги жами активлари мавжуд. 2022 йил 31 декабрь ҳолатига кўра Deutsche Bank қуйидаги сегментларга эга:

- Корпоратив банк (Corporate Bank)
- Инвестиция банки (Investment Bank)
- Хусусий банк (Private Bank)
- Активларни бошқариш (Assets Management)”<sup>97</sup>.

<sup>95</sup> <https://www.statista.com/topics/4406/commercial-banks-in-the-us/> - Statista молиявий маълумотлар ва тадқиқотларни эълон қилувчи расмий веб-сайт маълумотлари

<sup>96</sup> <https://www.statista.com/statistics/244750/top-global-bond-investment-banks-by-fee/> - Statista молиявий маълумотлар ва тадқиқотларни эълон қилувчи расмий веб-сайт маълумотлари

<sup>97</sup> [https://investor-relations.db.com/files/documents/annual-reports/Annual\\_Report\\_2020.pdf?language\\_id=1](https://investor-relations.db.com/files/documents/annual-reports/Annual_Report_2020.pdf?language_id=1) - Deutsche Bankнинг расмий веб-сайти маълумотлари



## 4-жадвал

Deutsche Bank tomonidan чиқарилган ва сотиб олинган қимматли қоғозлар таҳлили, млн. еврода<sup>98</sup>

Кўрсаткичлари	2021 Дек.	2022 Март	2022 Июнь	2022 Сен.	2023 Дек.	2023 Март	2023 Июнь	2023 Сен.	2023 Дек.
Банк томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар ҳажми	3396	4792	647	384	428	305	13	0	0
Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар кўрсаткичлари ҳажми	3359	2887	2992	1712	259	466	1156	1523	1697

Жадвалда Deutsche Bank томонидан чиқарилган ва сотиб олинган қимматли қоғозлар 2021 йил декабрдан 2022 йил декабргача чорақлар кесимида таҳлил қилинган. Унга кўра банк томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар ҳажми 2021 йил декабрдаги ҳолат бўйича 3396 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2022 йилнинг сўнгги 2 чорагида банк томонидан қимматли қоғозлар сотиб олинмаган. Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар кўрсаткичлари ҳажми эса 2018 йил декабрдаги 3359 млн. АҚШ долларидан 2022 йил декабрдаги 1697 млн. АҚШ долларига пасайган.

“Deutsche Bank 2022 йилда иккинчи яшил облигацияни муваффақиятли жойлаштирди ва 800 миллион АҚШ долларини жалб қилди. Облигациялар 5 йил муддатга ва 1,686 фоиз купон ставкада жойлаштирилди. Эмиссия инвесторлар томонидан жами 2,9 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi талабни шакллантирди”<sup>99</sup>.

**Хулоса ва таклифлар.**

-Бугунги кунда тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаолияти ва уларнинг фаоллигини ошириш масаласи миллий ва халқаро даражада кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилаётган масалалардан ҳисобланади. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар эмиссияси орқали капитал жалб қилиш, қимматли қоғозларга инвестиция киритиш, шунингдек, воситачилик асосида бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозларини жойлаштириш каби операцияларда иштирок этиши орқали тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаоллигини ошириш масалаларини ўрганишнинг аҳамиятини кўрсатиб беради. Ушбу операцияларни амалга оширишда эътиборга олиниши лозим бўлган омиллар ва ёндашувлар бўйича тадқиқотчиларнинг қарашларида умумий ва ўзига хос фарқли жиҳатлар кузатилади.

-Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари доирасида қимматли қоғозлар бозорида банк фаолияти турлари, банкларнинг ўз қимматли қоғозларини муомалага чиқариши ва жойлаштириши, тижорат банкларининг қимматли қоғозларга инвестицион қўйилмалари, давлат қимматли қоғозларига хизмат кўрсатиш бўйича банк операциялари, банкларнинг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси сифатидаги фаолияти, андеррайтерлик фаолияти кабилар ўрганилди.

<sup>98</sup><https://investor-relations.db.com/reports-and-events/annual-reports/index> - Deutsche Bankнинг расмий веб-сайти маълумотлари

<sup>99</sup>[https://www.db.com/news/detail/20210317-deutsche-bank-issues-its-second-green-bond?language\\_id=1](https://www.db.com/news/detail/20210317-deutsche-bank-issues-its-second-green-bond?language_id=1) - Deutsche Bankнинг расмий веб-сайти маълумотлари

-Ҳозирда мамлакатимизда тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаолияти бир қатор қонунчилик ҳужжатлари орқали тартибга солинмоқда. Хусусан, 2019 йил 5 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-580-сонли Қонуни, 2019 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги ЎРҚ-580-сонли Қонуни шулар жумласидандир. Тижорат банкларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли акциядорлик жамияти бўлиши шартлиги боис, улар фаолияти 2014 йил 6 майдаги Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-370-сонли Қонуни талабларига мос келиши шарт. Шунингдек, тижорат банклари қимматли қоғозлар эмитенти ҳисобланганлиги боис қимматли қоғозлар билан боғлиқ муносабатлар 2015 йил 3 июндаги Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎРҚ-387-сон Қонуни асосида ташкил этилади. Шунингдек, тижорат банклари фаолиятнинг алоҳида йўналишлари бўйича ҳам қонунчилик ҳужжатлари мавжуд.

-Бугунги кунда халқаро қимматли қоғозлар бозорига эътибор қаратадиган бўлсак, банклар инвестор, эмитент ва молиявий воситачи сифатида фонд бозорининг фаол иштирокчисига айланганлигини кўришимиз мумкин. Халқаро амалиётни ўрганиш, хусусан, фонд бозори ривожланган мамлакат сифатида АҚШ амалиётини ўрганиш банкларнинг фонд бозоридаги роли қанчалик даражада ошиб бораётганини тушунишга ҳамда илғор хориж тажрибаларини ўрганишга ёрдам беради.

-Халқаро амалиётда банклар инвестор, эмитент ва молиявий воситачи сифатида фонд бозорининг фаол иштирокчисига айланган. АҚШда инвестиция банкларига корпоратив қимматли қоғозларга инвестиция киритиш, уларни жойлаштиришда воситачилик қилиш тақиқланади. Европада эса аксинча, яъни универсал банкларга қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритишга чекловлар қонунчиликда илгари сурилмайди. Дунёнинг етакчи тижорат ва инвестиция банклари, хусусан, JP Morgan, Deutsche Bank, Barclays, BOFA Security Inc, UBS, Citi, Morgan Stanley, Goldman Sachs & Co каби банкларнинг фонд бозоридаги эмиссион, инвестицион ва воситачилик, шу жумладан, андеррайтерлик фаолияти таҳлил қилинган. Халқаро амалиёт доирасида фонд бозори ривожланган мамлакатлар амалиёти ва йирик халқаро банкларнинг фонд бозоридаги операцияларини ўрганиш фонд бозорида тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришга ёрдам беришини таъкидлашимиз лозим.

#### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Гиблова Н.М. (2013) *Тенденции и перспективы развития инвестиционных операций коммерческих банков на фондовом рынке России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук.* – Москва, – 26 с.

Лаврушина О.И. (2020) *Банковское дело. Учебник / Под ред.. 13-е изд.* – М.: КНОРУС, – С. 477-498; 514-522. (632 с.)

Байбеков И.Р. (2015) *Формирование облигационных портфелей коммерческими банками на российском биржевом рынке. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук.* – Саратов, 2015. – 29 с.

Frederic S. Mishkin. (2016) *The Economics of Money, Banking, and Financial Markets, 11th Edition.* Pearson, – P. 235.(745 p).

Frederic S. Mishkin and Stanley G. Eakins. (2018) *Financial markets and institutions. Global edition.* Pearson, – P. 290. (706 p).